

ТУРКИСТОН ОСМОНИНИНГ ЁРУҒ ЮЛДУЗИ

Муборакхон Исақова

*Андижон вилояти Булоқбоши туман
ахборт-кутубхона маркази директори*

Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор, бу аввало, халқимизга, келажагимизга эътибор эканини, оташин шоиримиз Чўлпон айтганидек, “адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкин”лигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.
Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Аннотация. *Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон ўзига хос бетакрор шеърят оламини яратишга қодир бўлган ва яратган улуг шоирлардан. Албатта, ҳамма ҳам шоир кўзлаган юксакликларга кўтарилши бахтига муяссар бўлавермайди. Халқ деган тушунча тез-тез тилга олинб турилса-да, ҳеч қачон ҳар жихатдан тенг, яхлит бир кучни англатмайди. Ҳамиша халқ бор, оломон бор, авом бор, орифлар бор... Одатда, қалби гофилларни унинг гўзалликларидан огоҳ этадилар. Шу тариқа шоирлар яратган гўзаллик халқ мулкига айланади ва унинг маънавий дунёсининг юксалишига хизмат қилади.*

Калит сўзлар: *“Садои Туркистон”, фавқулотда истеъдодга эга бўлган шоир, Жадидлар, Қаландар, Аламзадалар, “Иштирокиюн”.*

Annotation. *Abdulhamid Suleiman's son Cholpan is one of the great poets who were able to create a unique world of poetry. Of course, not everyone is lucky enough to rise to the heights that the poet soared. After all, although the concept of the nation is often mentioned, it never means an equal, unified force in all respects. There are always people, there are crowds, there are masses, there are scholars... Usually, they warn the heedless of its beauty. In this way, the beauty created by the poets becomes the property of the people and serves the rise of its spiritual world.*

Key words: *"Sadoi Turkistan", poet with exceptional talent, Jadidlar, Qalandar, Alamzadalar, "Ishtirokyun".*

XX аср бошларида юртимизда маъорифни, таълимни, матбуотни, кутубхоналарни ташкил этишга, миллатни илму урфонга уйғотишга фидойилик қилган тарихий сиймолар камол топди. Улар жадидлар номи билан илм-маърифатга, газета, театр ва кутубхоналарга катта эътибор қаратдилар. Улардан бири Абдулҳамид Чўлпондир.

Таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда, “... фавкулотда истеъдодга эга бўлган шоир” Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1897 йилда Андижоннинг Қатортерак (хозирги Навоий шох кўчаси) маҳалласида туғилади.

Чўлпоннинг онаси Ойша она уй бекаси бўлган, отаси Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли (1874-1929) деҳқончилик билан шуғулланган, базозлик қилган, хунарманд бўлган. Шу билан бирга Чўлпоннинг отаси замонасининг пешқадам зиёлиларидан бўлиб, “Расво” таҳаллуси билан ғазаллар битган. Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари ижодидан баҳра олган. Сулаймонқул Ўш шаҳри яқинидаги Ёрқишлоқдан бўлиб, қишлоқда кўтарилган тўполондан кейин Андижонга қочиб келади ва бу ерда муқим туриб қолади.

Абдулҳамид аввал эски мактабда ўқийди, яхшилаб саводини чиқаргач, Андижон ва Тошкент мадрасаларида таҳсил олади. У ижодини 1914 йилдан бошлаган. 1920-1927 йилларда чиқа бошлаган “Садои Туркистон” газетасида бир қатор мақолалари ва бадиий асарлари билан қатнашиб туради.

Абдулҳамид жуда қисқа, бор йўғи қирқ йил умр кўрди. Унинг ҳаёт йўли бир-биридан тубдан фарқ қилувчи, тарихий воқеаларга бой Туркистондаги сиёсий ва маънавий ўзгаришлар кўзга ташланган икки давр чегарасида ўтди. Агар унинг биринчиси ўзида тараққийпарвар ғоялар билан жамлаган жадиличиликнинг юзага келиши ва ривожланиши билан ифодаланган бўлса, иккинчиси уни йўқ қилди ва “бахтли келажак” ҳақидаги тасавурларини остин-устун қилиб ташлади, жамиятни ўзгартириб, саноатни юксалтириш ва “маданий инқилоб” ниқоби остида фожеали воқеаларга йўл очди. Дастлабки пайтларда қудратли ҳаёт тўлқини Чўлпонни мавхумлик гирдобидан олиб чиқиб, кенг халқ оммасининг шеъриятдаги қахрамонига айлантирди. Истеъдод уни юксак чўққиларга олиб чиқди, лекин тез орада у жамиятнинг овлоқ жойларига улоқтирилди.

Унинг мураккаб ҳаёти замон талотўпларида янчилган тақдирлардан бири эди. Чўлпон шахсини билиш ва уни охиригача тушуниш, бетакрорлигини ҳис қилиш, буюклиги ва қудратини англаб етиш учун у қандай даврда яшаганини ҳисобга олиш зарур. Чўлпон “Қаландар”, “Мирзақаландар”, “Андижонлик” таҳаллуслари билан ҳам ижод қилган. 1922 йилда “Қаландар” таҳаллуси билан ёзилган “Аламзадалар” шеъри “Туркистон” газетасининг 1922 йил 22 октябрь сонисида босилган. Хусусий равишда русчани қизиқиб ўрганган шоир Татаристон, Озарбайжон, Хиндистонда чиқадиган газета – журналларга муштарий бўлиб, русча газета – журналларни ўқиб борган. Етти яшар синглисини ўз маҳалласида очилган янги усул татар қизлар мактабига беради. Юқорида тилга олганимиз “Садои Туркистон” газетасида Чўлпон билан бир қаторда Мунаввақори, Абдулла Авлоний, Гавалло, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Лутфулла Олимий, Васлий каби маърифатпарварларнинг ҳам асарлари босилиб турган. Чўлпон муттасил шўро ҳукумати идораларида хизмат қилган. 1920 йилгача Турк Постада ишлаган. “Иштирокиюн”, “Қизил Байроқ”, “Туркистон”, “Бухоро ахбори” газеталарида

масъул лавозимларда хизмат қилган. “Тонг сирлари” деб номланган, дастлабки шеърӣй тўпламларидан бири Абдулла Қодирӣйнинг муқаддимаси билан эълон қилинган. Тўплам чоп этилгандан кейин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай 1927 йилнинг 14 февраль куни “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Айн” имзоси билан мақола босилади. Бу мақола Чўлпон ҳақида эди. (“Айн”-адабиётшунос ва мунаққид олим О.Шарафиддиновнинг тахаллуси бўлган). Юқоридаги мақола босилгандан кейин “Қизил Ўзбекистон” газетаси таҳририяти шу мақола билан Чўлпон ҳақида баҳс бошланганини маълум қилади. Ана шундан кейин Чўлпон шахси ва ижоди ҳақида, ижодидаги “Синфийлик”, “Миллатчилик” руҳи ҳақида баҳс бошланади. Баҳсда ўша вақтда 22 ёшда бўлган Ойбек ҳам иштирок этади. Бу баҳсларда ёзилган мақолаларга олим Озод Шарафиддинов тадқиқотларида кенг ўрин берилган.

Чўлпон ижоддан тўхтамайди, турли таъқиб ва салбий таъсирларга қарамасдан ўзининг гўзал шеърларини, “Кеча ва кундуз” романини яратади. Аммо атрофдагиларнинг адовати ва ғаразлари кундан кунга кучайиб боради. 1921 йилда Бухорога бориб, Фитрат ёрдамида инқилобий Бухоро халқ республикасининг дастлабки одимлари билан танишади. Ўша вақтда Тошкентдаги муҳолифлар уни кайноқ инқилобий ҳаётдан чекинишда айблайдилар. Чўлпон шунда “Мен қочмадим” деб номланган шеърини ёзади. Унда шундай мисралар бор:

Мен қочмадим! Нега мени “қочди” деб,
Йўқга мунча шовқин-сурон қилдингиз?
Кучоғини “ўзлиги”га очди деб,
Оқ исмига қора занжир илдингиз?

Чўлпоннинг бошига ёғилаётган маломатлар сира тинмади. Шу туфайли у Файзулла Хўжаевнинг маслаҳати билан Москвага кетади ва СССР Марказий Ижроия комитети аппаратида таржимон бўлиб ишлайди. Бу ҳам шоирни “Жадидлар” деган таъқиблардан сақлаб қолаб қолмайди.

Чунончи, у “Япроқлар” шеърини Ўзбекистонда эмас, балки Туркияда эълон қилган. Ватанида бунинг имкони йўқлигини тушунган, деган фикр келади ҳаёлга:

Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,
Билмадим, кимларнинг қисмати узилур?
Япроққа ёпишиб, бир чангал солдилар,
Билмадим кимларнинг умиди йўқ бўлур?
Эй совуқ эллардан муз кийиб келғонлар,
У қўпол товшингиз қорларда йўқ бўлсин!
Эй менинг боғимдан мевамни терғонлар,
У қора бошингиз ерларга кўмулсин!

бу қисқа сатрларида алам- изтироблар, халққа бегона бўлган эътиқодини мажбурлаб тиқиштирганлар, поймол этилган тақдирлар, Ватан ҳақида қайғуриш ифодаланган. Ўн йиллар мобайнида Чўлпон танқид тифлари остида яшади. Оддий журналистдан тортиб республика раҳбари Акмал Икромовгача унинг ижоди ҳақида салбий муносабат билдирилди.

Машъум 1938 йилда Чўлпон олтилган бўлса-да, унинг номи халқимиз қалбида. Советлар даврида унинг асарлари тақиқланган эди. Ҳозирги кунда асарлари ҳали-ҳануз китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда. Маърифатпарвар жадиdlар қатори унинг асарлари кутубхонамиздан ўрин олган. Чўлпон янги адабиётда янги шаклларга асос солди. Мистик адабиёт ўрнига замонавий зийрак адабий дидга жавоб берувчи ажойиб шеърларни тақдим этди. Бугунги ёш авлод унинг жозибали техникасини, содда тилини, ғаройиб услубини севади ва ундан кўп ажойиб асарлар яратишда фойдаланиб келмоқда. Бугунги кунда жадиd намоёндаларининг ижодий фаолиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш асосий вазифаларимиздан бирига айланди. Мамлакатимиз мустақилликга эришгач, барча жадиdлар каби Абдулҳамид Чўлпон номи ҳам фахр билан тилга олина бошланди.

Кутубхонамизда Чўлпоннинг қуйидаги асарлари севиб ўқилмоқда.



Фойдаланган адабиётлар:

1. Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти .1991 йил
2. Озод Шарафиддинов. Чўлпон. Тошкент Чўлпон нашриёти.1991 йил
3. Озод Шарафиддинов. Маънавий камолот йўлларида. Тошкент. ”Маънавият” нашриёти 2004 йил
4. Исмоил Тўлак Андижоний. XX аср ўзбек адабиёти.“Андижон” нашриёти 1993 йил